# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 18 октябрь, № 201 (5368) Сешанба


# ЯНГИЛАНИШ, ИЗЧИЛЛИК, РИВОЖЛАНИШ

***Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, юртимиз экспорт салоҳиятини ҳам юксалтирмоқда.***

**Қарор ва ижро**

Технологик янгиланишлар, айниқса, иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолган ишлаб чиқариш субъектларига қайта ҳаёт бағишлаётгани қувонарлидир. Табиийки, бунда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Янгийўл туманидаги "Биллур текс" корхонаси ана шу ислоҳотлар туфайли қайта иш бошлади. Мазкур субъект таназзул ёқасига келиб қолган "Ядем текстиль" қўшма корхонаси негизида ташкил этилди. Банк томонидан киритилган 8 миллиард сўмлик сармоя мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни олиб кириш учун йўналтирилди.

Ҳозир бу ерда 600 дан зиёд ёшлар, асосан, тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган юқори сифатли кийим-кечакларнинг 90 фоизи экспортга чиқарилаётгани ишчи-ходимларни янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга чорламоқда.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** корхона тикувчилари Дилноза Мирзаева ва Насиба Раҳимбердиева иш устида.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 17 октябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва мурожаатлар қўмитаси раиси Яромир Ермар раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.***

# ЧЕХИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Чехия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди. Фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***Куала-Лумпурда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.***

**Биз ва жаҳон**

Куала-Лумпур мэри Фуад Аҳмад Бин Исмоил ушбу маданий тадбир тантанали очилиш маросимининг фахрий меҳмони бўлди.

У мамлакатимиз делегацияси аъзоларини қутлар экан, жорий йилда Малайзия делегациясининг Ўзбекистонда бўлгани тўғрисида атрофлича тўхталди. Малайзия пойтахти маъмурияти раҳбарининг қайд этишича, "Ўзбекистон бетакрор гўзалликка, улуғворлик ва ўхшаши йўқ тарихий-меъморий ёдгорликларга эга мамлакатдирки, ҳар қандай инсон уни ҳаётида лоақал бир марта ўз кўзи билан кўриши лозим".

— Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива сингари шаҳарлар бағридаги диққатга сазовор жойларнинг суратларини илк бор кўрганимда, менинг ўзимда "Ўзбекистонга, албатта, боришим керак", деган кучли истак туғилган эди, — дея таъкидлади шаҳар маъмурияти раҳбари.

У, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан маданият, санъат ва халқ амалий ижодиёти фаол қўллаб-қувватланаётгани нафақат ноёб маданий қадриятларни асраш ва кўпайтириш, балки мамлакат тараққиёти ҳамда унинг янада гуллаб-яшнашига мустаҳкам пойдевор қўяётганини таъкидлади.

Куала-Лумпур мэри Малайзия пойтахтида Ўзбекистондаги тарихий-меъморий ёдгорликлардан бирининг ташқи кўринишини айнан такрорлайдиган иншоотни қуриш ва унда ўзбек марказини ташкил этиш таклифини илгари сурди. "Иншоот ичида доимий равишда фаолият кўрсатадиган халқ амалий санъати кўргазмасини ҳамда анъанавий ўзбек миллий таомлари ресторанини ҳам ташкил қилиш мумкин, — деди у. — Бу шаҳар аҳолиси ва унинг меҳмонларига Ўзбекистон маданияти, санъати ҳамда халқ анъаналари билан янада яқиндан танишиш имконини яратади".

(Давоми 2-бетда).

***Истиқлолнинг ҳаётбахш нури мамлакатимизнинг барча гўшаларини бирдек ёритиб турибди. Шу боис нафақат шаҳарларимиз ёки туманларимиз маркази, балки чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.***

***Жиззах вилоятининг марказдан анчайин олис тоғли Фориш туманининг бугунги қиёфасига, бу ердаги ўзгаришларга, одамларнинг ҳаёт тарзию иш тутумларига разм солган киши бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилади.***

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

**Фахр**

Фориш тумани шарқдан Жиззах ва Зафаробод туманлари, жанубдан Ғаллаорол тумани, ғарбдан Самарқанд ва Навоий вилоятлари билан чегарадош. Майдони 9,59 минг квадрат километрга тенг бўлиб, вилоят ҳудудининг 43 фоиздан ортиғини ташкил этади. Аҳолиси 78300 нафар. Бу ерда ўндан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқдалар. Одамларнинг асосий тирикчилик манбаи — чорвачилик ва боғдорчилик. Нурота ва Пистали тоғ тизмаларида Фориш ўрмон хўжалиги ва Нурота давлат қўриқхонаси мавжуд.

Фориш кенгликларини тасаввур қилишингиз учун яна бир мисол. Банд шаҳарчаси туман маркази — Янгиқишлоқдан ўн километр, Омонкелди қишлоғи 200 километр, Дарбоза қишлоғи эса салкам 300 километр олисда жойлашган.

— Мустақиллик — энг улуғ неъмат, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор, 90 ёшни қаршилаётган отахон Сарсенбой Есимов. — Ўзим қозоқ миллатига мансубман, киндик қоним Форишда тўкилган: Қизилқум қишлоғида чорвадор оиласида туғилганман. Шу ерда униб-ўсиб, ўқиб, ишлаб дегандек, обрў-эътибор топдим. Туман, вилоят, республика ташкилотларида ишладим. Уч бора Фориш туманига биринчи раҳбар бўлдим. Тўрт чақириқ Ўзбекистон парламентига депутат этиб сайландим. Яшириб нима қилдим, шунча мартабаларга эришибман-у, лоақал битта тузукроқ бино тиклашга кучим етмабди. Мана, энди қаранг, кейинги йилларда туманимиз маркази шаҳар тусини олди. Янги, кенг, равон йўллар, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, коллеж, мактаб, маданият саройи унинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Ҳатто, олис-олис қишлоқларда ҳам бири-биридан кўркам бинолар ва иншоотлар барпо этилмоқда.

Айниқса, саноат ривожланиб бораётгани, кўплаб кичик корхоналар фаолият кўрсатаётганини айтмайсизми?! Масалан, "Карбонат" очиқ акциядорлик жамиятида 250 дан ошиқ қишлоқ ёшлари меҳнат қилаяпти. Улар кейинги уч йил ичида тоғдаги маъданли тошларни қайта ишлаб, 2,4 миллиард сўм соф фойда кўришди. Шу фойда ҳисобидан 15-умумтаълим мактаби ҳамда Эгизбулоқ қишлоғидаги санъат саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шу қишлоқдаги иқтисодиёт коллежига зарур ўқув жиҳозлари олиб беришди. Тоғ қишлоқларига 9,2 километрлик тоза ичимлик суви, 1,2 километрлик табиий газ тармоқлари тортилди. Мустақиллик байрами арафасида эса иккита оҳак ишлаб чиқарадиган корхона фаолият бошлаган бўлса, ўттиздан ортиқ оила Президентимиз қарорига кўра, намунавий лойиҳалар асосида тикланган янги уй-жойларга кўчиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ эканлиги алоҳида қайд этилган. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг асоси бўлган Конституциямизда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари мустаҳкамланиб, давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилди. Шу асосда қабул қилинган қонунларимизда ушбу тамойиллар ўз ифодасини топди. Муҳими, мазкур тамойиллар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар нормалари билан ҳам ҳамоҳангдир.

Юртимизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти нафақат қабул қилинаётган қонунлар сифатига, балки, кўп жиҳатдан, халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасига ҳам боғлиқ. Чунки шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаролик позицияси, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга эришишда асосий воситадир.

Юқорида қайд этилганидек, юксак ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатади, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашади. Қолаверса, қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).

# РОҒУН СУВ ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ – ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛИШИДИР

*Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни асраш муаммоси замонамизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, Роғун гидроэлектр станцияси қурилишининг экологик ҳамда ижтимоий оқибатлари юзасидан тегишли баҳонинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, Тожикистон томонидан мазкур йўналишдаги ишларнинг давом эттирилиши нафақат минтақа мамлакатлари, балки кўплаб халқаро экспертларни ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Мазкур лойиҳа хорижий эксперт-таҳлил доираларида, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.*

Хусусан, Латвия Яқин ва Ўрта Шарқ халқаро институтида Тожикистон томонидан Роғун сув иншооти қурилишининг олиб борилиши ҳолатида Ўрта Осиёда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мазкур институтнинг илмий ходимлари, мустақил эксперт ва таҳлилчилар, шунингдек, Латвия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни очар экан, мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи юзасидан Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини атрофлича баён қилди. Шу билан бирга, Ўрта Осиёдаги экологик вазият, минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар мазкур дарёлар сувларидан фойдаланишлари борасида дуч келаётган муаммолар тўғрисидаги барча зарур маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Шу муносабат билан сейсмик фаоллигининг даражаси юқори бўлган ҳудудда йирик сув иншоотлари барпо этилиши, хусусан, Роғун гидроэлектр станциясининг қурилиши Ўрта Осиё минтақаси барча аҳолисининг ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши қайд этилди.

**Интеллектуаллар клуби президенти, мустақил экспертлар халқаро федерацияси аъзоси Владимир Юденко** Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши ҳудудидаги юқори сейсмиклик, кўчки ва сел хавфи жараёнлари, тўғон остидаги ер қатламларининг тузли тошлар билан бир-бирига улангани ҳолати, иншоот ўта баланд бўлиши сингари омиллар мазкур тўғон қурилишига монелик қиладиган жиддий далиллар эканлигини таъкидлади. "Бундан ташқари, ҳукумат ўз аҳолисига акцияни сотган тақдирида ҳам иқтисодий нуқтаи назардан Тожикистонга мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун ўз маблағи етмайди", деди эксперт.

В. Юденконинг сўзларига қараганда, Вахш дарёсида ҳозир мавжуд бўлган гидроэлектр станцияларининг ўзи ҳам минтақа флораси ва сув ресурсларига салбий таъсирни кўрсатмоқда. "Сув ресурсларининг ҳар қандай сунъий қайта тақсимланиши нафақат ҳосилдор ерларнинг йўқотилишига, балки жанубий ҳудудларнинг муқаррар равишда чўлга айланишига олиб келади. Бутун минтақа учун иқлимий оқибатларни ҳам ёддан чиқармаслик лозим", деди у.

Эксперт ўз чиқишининг сўнгида бундай гигант иншоотлар бир неча давлатларнинг экологик, иқтисодий ва ҳаётий манфаатларига алоқадор бўлишини, шу боис у пухта лойиҳалаштирилиши ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар томонидан иншоот ишончли ва мустаҳкамлигининг кафолати олиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Қатор атом электр станциялари, жумладан, Саяно-Шушенск ГЭСидаги фожиали воқеалардан сўнг жаҳон ҳамжамияти бунга ўхшаш лойиҳаларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда.

Давра суҳбати якунлари бўйича унинг қатнашчилари томонидан "Тожикистонда Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши тўғрисида" қўшма пресс-релиз тайёрланди. Унда "Тожикистон раҳбарияти ер ости қатламлари тузли тошлар билан бир-бирига уланган ва юқори сейсмик ҳолатдаги мазкур ҳудудда улкан тўғонли гидроэнергетик мажмуа қурилишини кўзда тутадиган ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши минтақа экологиясига, у ерда яшайдиган миллионлаб одамлар ҳаёти ва соғлиғига ўнгланмас даражада зиён етказишига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, беҳад хавфли техноген ҳалокатларга олиб бориши мумкин бўлган Роғун гидроэлектр станцияси қурилишини зўр бериб илгари сураётгани, бу билан Тожикистон томони халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим тамойил ва меъёрларини, хусусан, БМТнинг трансчегаравий сув оқимлари бўйича Конвенциясини менсимаётгани" таъкидланади.

Пресс-релизда, шу жумладан, "Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларда барча гидроэнергетик объектларнинг қурилиши юзасидан БМТ ёки унинг ваколатли тизими шафелигида мустақил халқаро экспертиза ўтказилиши зарурлиги Ўзбекистон томонидан бир неча бор талаб қилинганидан сўнг 2010 йил март ойининг бошида Тожикистон Республикаси ҳукумати билан Жаҳон банки ўртасида Меморандум имзоландики, унда Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши юзасидан техникавий-иқтисодий асосланганлик (ТЕО), экологик ва ижтимоий экспертиза ўтказилиши назарда тутилган. Меморандум шартларига кўра, Тожикистон томони Жаҳон банки иштирокидаги экспертиза ниҳоясига етгунига ва унинг натижалари эълон қилингунига қадар барча қурилиш ишларини тўхтатиши зарур эди, бироқ Тожикистон тиклаш-таъмирлаш ишлари важи остида Роғун гидроэлектр станцияси қурилишини амалга оширишда давом этмоқдаки, бу Жаҳон банки билан келишув шартларини ҳамда БМТ конвенцияси талабларини очиқ-ойдин писанд қилмасликдан далолат бериши" қайд этилади.

Экспертларнинг фикрича, пресс-релизда акс этганидек, Жаҳон банки билан тузилган Меморандум шартларининг Тожикистон томонидан бузилиши, республика юқори мансабдор шахслари томонидан ТЕО ва экологик экспертиза якунланиши натижалари бўйича лойиҳанинг техникавий параметрлари ўзгармаслиги тўғрисида берилган баёнотлар Тожикистон ҳукуматининг авантюрадан иборат бўлган, асоссиз нуқтаи назаридан гувоҳлик берадики, у одатий мантиқдан очиқ-ойдин чекинишни, мазкур масала юзасидан келишувга эришиш ҳамда минтақадаги барча мамлакатлар манфаатлари ҳисобга олинган асосдаги консенсус топилишини истамаслигини кўрсатади.

"Бугун минтақа мамлакатлари мазкур лойиҳанинг амалга оширилишига розилик бермасликлари учун етарли даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва бошқа асосларга ҳамда инкор этиб бўлмайдиган далилларга эгадир. Шунинг учун улар Тожикистон раҳбариятини ушбу масалада оқиллик ва тўғри тушунишга даъват этишмоқда", дейилади пресс-релизда.

Тадбир ниҳоясида экспертлар "Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши халқаро сув ҳуқуқининг, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро сув оқимлари бўйича Конвенцияси қоидаларининг қўпол равишда бузилишидир", деган якдил хулосани баён этдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарғиботни янада ривожлантириш ва соҳада кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳақида бораркан, аввало, шуни айтиш кераккки, бу борада ҳам мамлакатимизда сўнгги йилларда дунё тажрибасида камдан-кам учрайдиган ўзига хос таълим ислоҳотлари амалга оширилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Айниқса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони жамиятда ҳуқуқий таълим ва тарғиботни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлардан, миллий қонунчиликдаги ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш мақсадида бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Сенаторлар жойларда мамлакатимиз парламенти юқори палатасида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти, унинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни ҳақида мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Хусусан, шу йилнинг апрель — май ойларида республика миқёсида ўтказилган ҳуқуқий саводхонликни ошириш ойлиги доирасида турли давра суҳбатлари, учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилгани айни муддао бўлди.

Албатта, бу ишлар кўламини янада кенгайтириш, унинг тизимлилигини ҳамда изчиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилганлиги мана шу вазифаларга эришишда айни муддаодир. Шу сабабли фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтиришда мазкур дастур доирасида бир неча йўналишдаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, аҳолининг мамлакатда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини оширишга қаратилган янги қонунларни қабул қилишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда таълим беқиёс ўрин тутади. Бугун таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган дарс соатлари, ўқув курслари йўлга қўйилган. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини янада ошириш, ҳуқуқий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, бу борада фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш келажакда катта натижалар келтиради. Зеро, ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни олиш имкониятини яратишдан иборатдир. Шу боис тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим. Энг муҳими, ҳуқуқий тарбияни фақат бир томонлама ахборот бермасдан, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шу билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партияларни ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва сиёсий фаоллигини ошириш тадбирларига янада кенгроқ жалб қилиш ниҳоятда муҳимдир.

Мухтасар айтганда, жамиятда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлашга хизмат қилади.

**И. КАРАТАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуад Аҳмад Бин Исмоилнинг айтишича, мазкур марказ келгусида нафақат малайзияликлар, балки кўплаб хорижий сайёҳлар учун ҳам ўзига хос “Ўзбекистон дарвозаси” бўлиб қолмоғи керак.

Шаҳар мэрининг таъкидлашича, бундай маданий тадбирларни уюштириш икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувига, санъат воситасида ўзаро дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳамда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Куала-Лумпур мэри тадбир қатнашчиларини Ўзбекистонга бориш, унинг меҳмондўст халқи, тарихий шаҳарлари ва мамлакатнинг бой мероси билан бевосита танишишга даъват этди.

Тадбир чоғида Малайзия ахборот, коммуникациялар ва маданият вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи С. Илангован Ўзбекистон халқининг меҳмондўст ва очиққўнгиллиги барча учун ўрнак бўлиши кераклигини қайд этди.

Куала-Лумпур шаҳар маъмуриятининг халқаро департаменти бошлиғи Абдуллоҳ Солиҳ эса ўзбек халқ амалий санъати намояндаларининг ишлари йил ўтган сайин Малайзияда ном қозониб бораётганини маълум қилди. “Бу Малайзия томонининг мазкур соҳадаги ҳамкорликка бўлган қизиқишини жуда оширмоқда. Сопол буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, миниатюралар, ранг-баранг ипак маҳсулотлари мамлакатингизда ноёб халқ амалий санъати анъанаси мавжудлигидан далолат беради”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

*Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Мана шу норма асосида юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бу йўлда тиббиёт тизимининг моддий-техник базасини ривожлантириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.*

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – БОШ МАҚСАД

**Конференция**

Пировардида жамиятда соғлом турмуш тарзи қарор топди, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг самарали тизими йўлга қўйилди.

Тошкент фармацевтика институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашга бағишланган конференцияда шулар алоҳида таъкидланди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда фармацевтика соҳаси равнақ топиб бораётгани, бунда йигирмадан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар муҳим омил бўлаётгани айтиб ўтилди.

— Бугунги кунда республикамизда дори-дармон ишлаб чиқарувчи юздан зиёд корхона фаолият юритмоқда, — деди қўмита аъзоси Мавлуда Алимова. — Тармоқда кенг кўламли модернизациялаш ва техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди, инновация ютуқлари татбиқ этилди. Натижада ушбу корхоналарда сифати замон талаблари даражасида бўлган дори воситалари ишлаб чиқарилаётир. Шу ўринда 2009 йилда “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Негаки, мазкур Қонун асосида юртимизда сифатсиз ва қалбаки дори воситаларини сотиш қатъий тақиқланди.

Тадбирда фармацевтика йўналишидаги қонунчилик ижросини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

— Барча жабҳалар қатори аҳолини дори билан таъминлашда ҳам қонун устуворлигига эришиш ниҳоятда муҳимдир, — деди қўмита аъзоси Улуғбек Ҳожибеков. — Шунинг учун соҳада ҳуқуқий тарғиботга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда фармацевтика бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бундан ташқари, бозорларга сифатсиз ва қалбаки дори воситалари кириб келишининг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда фармацевтика соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЧЕХИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ташрифимиз асносида Ўзбекистонда фан, таълим, маданият соҳалари изчил тараққий этаётганини, аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини кўрдик, — деди Яромир Ермар. — Мамлакатингизда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида бажарилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу куни Чехия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Чехия делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикси Фанлар академияси ва Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтда ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА).**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз, тинч-тотув яшаётганимиз самараси, албатта. Илоҳим, Юртбошимиз омон бўлсин!

Бугун Форишда 9 та чорвачиликка ихтисослаштирилган ширкат хўжалиги, 200 дан зиёд фермер хўжаликлари иш юритмоқда. Камол Иботов — туманнинг кўзга кўринган фермерларидан. Самарқанд давлат университетининг кимё-биология факультетини тамомлаган. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган “Ибот ота” фермер хўжалигида юз бошга яқин қорамол, икки юз бош қўй-эчки бор. Давр билан баб-баравар одим ташлашга одатланган Камол Иботов 2009 йилда банкдан 30 миллион сўм кредит олиб, сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этди. Мана, уч йилдирки, тумандаги шифохона ва болалар боғчаларига беш-олти турдаги сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Туман марказидаги фирма дўконида эса бундай маҳсулотлар бозор нархидан анча арзон.

— Бурноғи йили тоғ ёнбағрида 3 гектар боғ ҳам яратдик, — дейди фермер.

— Қандай мевалар бор?

— Нималарни экмагансиз, деб сўрамайсизми? — самимий кулади Камол ака. — Рости, боғимизда олма дейсизми, анор дейсизми, узум ёки нокнашвати дейсизми — барчаси бор, шу йилдан мевага кирди. Ўғилларим билан кенгашиб, эндиликда мевани қайта ишлайдиган кичик корхона очиш ҳаракатида юрибмиз.

Форишда К. Иботовга ўхшаб ўз меҳнатидан барака топаётган тадбиркор, қўли гул инсонлар кўп. Ғуломжон Нурматов — шулардан бири. Асли касби уй устаси бўлган Ғуломжон ишдан бўш пайтларида тоғ ёнбағирларини ўзлаштириб, бир гектарлик боғ яратган эди. Ундан олган даромади эвазига ўзининг шахсий ёрдамчи хўжалигини ташкил этди. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Ҳозир унинг 2 сотих лимонзори, ўнта оти, юз бош қўй-эчкиси ҳам арзигулик фойда келтирмоқда.

— Форишнинг Осмонсойида битган узумлар хорижда ҳам шуҳрат қозонган, — дейди Ғуломжон. — Шу боис узум ва бошқа мевали дарахтларни пайвандлаб, мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш йўлида изланяпман. Лимонзорга бу йил мандарин ва апельсин кўчатларини ҳам экдим.

“Боғдон” ширкат хўжалигининг бош чўпони Рашид Қурбонов билан Осмонсой яйловларида учрашдик. Айдаркўлга туташ бу яйловларда форишликларнинг 30 мингдан зиёд қорамоли, 500 мингга яқин қўй-эчкиси ўтлаб юрибди. Улар — халқнинг бойлиги, ризқ-рўзи. Рашид чўпоннинг қаровида эса 506 бош қоракўл қўйи бор. У жорий мавсумда ҳар юз бош совлиқдан 80 тадан қўзи олди. Уларнинг саксон фоизини ўстиришга қолдирди.

— Чорвани асраш, мол туёғини кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилиш керак, — дейди “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Рашид Қурбонов.

Форишда бекорчининг ўзи йўқ. Кимдир конда ишласа, яна кимдир ширкат ёки фермер хўжалигида меҳнат қилади. Шахсий хўжалигини гуллатаётган, мол-қўй боқиб, мева-чева етиштириб, рўзғорини бутлаётганлар, тадбиркорликка қўл уриб, ўз бизнесини ташкил этаётганлар ҳам оз эмас.

— Бундай имконни, бу эмин-эркинлик ва имтиёзни бизга улуғ ва азиз истиқлол берди. Мустақиллигимиз — бахту иқболимиз, — дейишмоқда форишликлар.

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲОРАТ ВА ЎЗАРО МУЛОҚОТ

**Жорий йилнинг 23 — 29 октябрь кунлари VI Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналеси бўлиб ўтади.**

**Биеннале — 2011**

Санъат дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи мўъжизавий кучга эга. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ, барча жабҳалар қатори маданият ва санъат соҳаси ривожига юксак эътибор қаратилаётир. Бу борада олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Хусусан, ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган замонавий санъат биенналесини олайлик. Ушбу нуфузли анжуман истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, жаҳондаги таниқли рассомлар билан ўзаро ижодий мулоқотга киришишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилги “Art.-Week.Style.UZ — 2011” санъат ҳафталиги доирасида уюштирилаётган биеннале “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилмоқда.

Пойтахтимизда олтинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбир нуфузи ва қамрови жиҳатидан халқаро миқёсда катта эътибор ҳамда эътирофга сазовор бўлаётир. Мазкур анжуманда иштирок этган кўплаб ёшларимиз, жумладан, Диёр Розиқов, Бобур Исмоилов, Темур Аҳмедов, Жамол Усмонов Италияда бўлиб ўтган Венеция биенналеси, Греция давлатидаги Солоники биенналеларида қатнашиш билан бирга, кўплаб хорижий мамлакатларда ўз шахсий кўргазмаларини ҳам намойиш этишди.

Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналеси доирасида ташкил этиладиган кўргазмаларда 150 нафардан зиёд рассом, жумладан, АҚШ, Австрия, Афғонистон, Буюк Британия, Германия, Испания, Индонезия, Польша, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Украина, Озарбайжон сингари давлатлардан келган мўйқалам усталарининг ижоди билан яқиндан танишиш имкони мавжуд. Бу йилги тадбирда, шунингдек, махсус лойиҳалар, чунончи, “Фаберже олами”, “Отто Диксга хос жиддий услуб” деб номланувчи ноанъанавий кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ва албатта, ушбу нуфузли халқаро тадбир доирасида илмий анжуманлар, ёшлар учун маҳорат сабоқлари, тарихий шаҳарларимиз, санъат ва маданият саройларига экскурсиялар, концертлар, ижодий учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Сардор БОБОЕВ,**
**VI Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналеси директори.**

# Мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган

**Яхши хабар**

***Термиз туманидаги “Unni Green” масъулияти чекланган жамияти жамоаси 1 миллион 700 минг АҚШ долларилик маблағга 3 минг тонна мева-сабзавотни сақлайдиган омборхона қуриб, фойдаланишга топширди.***

Натижада бу ерда 35 та иш ўрни яратилди. Келгуси йилдан бошлаб корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам режалаштирилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга ошиши билан қўшимча 40 та иш ўрни вужудга келади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИЛАНИШ, ИЗЧИЛЛИК, РИВОЖЛАНИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Модернизация шарофати билан корхонамизга Швейцариянинг энг илғор технологик ускуна ва дастгоҳлари келтирилиб, ўрнатилгани айни муддао бўлди, — дейди корхона раҳбари Рустам Тожиев. — Натижада пахта толасидан тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган барча жараёнлар ўзимизда бажарилаяпти. Буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, калава ипдан тортиб болалар ва катталар учун турли хилдаги кийим-кечакларни етказиб бераяпмиз. Ҳозир кунига 7,5-8 тонна калава ип тайёрланаяпти. Йил охирига қадар бу кўрсаткични 10 тоннага етказиш ниятимиз бор. Бунинг учун яна 1 миллион 695 минг еврога қўшимча технологик линия келтириш кўзда тутилган.

Айни кунда эса корхона жамоаси Европа мамлакатларидан олинган 3 миллион АҚШ долларилик буюртмани белгиланган муддатларда етказиб бериш ҳаракатида.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 18 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1810,04 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2776,67 |
| 1 Дания кронаси | 326,90 |
| 1 БАА дирҳами | 478,65 |
| 1 АҚШ доллари | 1757,83 |
| 1 Миср фунти | 294,54 |
| 1 Исландия кронаси | 15,27 |
| 1 Канада доллари | 1740,77 |
| 1 Хитой юани | 275,79 |
| 1 Россия рубли | 56,72 |
| 1 Украина гривнаси | 220,40 |
| 1 Малайзия ринггити | 563,50 |
| 1 Польша злотийси | 565,93 |
| 1 СДР | 2769,55 |
| 1 Туркия лираси | 959,15 |
| 1 Швейцария франки | 1965,59 |
| 1 евро | 2401,98 |
| 10 Жанубий Корея вони | 15,33 |
| 10 Япония иенаси | 227,70 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

| | | | |
|---|---|---|---|
| СУЮЛТ. ГАЗ 1482,5 ▼ -137,7 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 276,1 ▼ -74,0 | УН биринчи нав 631,0 ▼ -1,5 | ОМИХТА ЕМ 350,7 ▼ -13,8 |




***Самарқанд — азал-азалдан илму урфонда донг таратган, маданият ўчоғи сифатида довруқ қозонган замин. Шундан бўлса керак, кўп ҳолларда кўҳна Шарқ дейилганда, кўпчилик дарров Самарқандни тилга олади, у ҳақда тўлқинланиб гапиришади. Наинки гапиришади, шу билан бирга, бу табаррук масканни бир марта бўлса ҳам келиб кўришга мудом ошиқадилар. Айни пайтда ҳам замин сайқали жаҳон халқлари нигоҳида, диққат-эътиборида турибди.***

# БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ

Зеро, бу масканда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида беқиёс ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб улуғ аждодларимизнинг хоки поклари қўним топган жойлар қайтадан тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Уларнинг таваллуд саналари дунё миқёсида кенг нишонланди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур хотирасини эъзозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

> 1996 йилда буюк Соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан муаззам шаҳар марказида Амир Темур ҳайкали қад ростлади. Шу йили Президентимиз Самарқанд шаҳрига "Амир Темур" орденини топширди. Ҳайкалнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида эса давлатимиз раҳбари шундай деган эдилар: "Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир. Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир. Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир".

Бугун ушбу қутлуғ манзил истиқлол туфайли янада яшарибяшнаб, янгитдан чирой очди. Қурилиш соҳасида улкан натижаларга эришилди. Шунинг учун бўлса керак, айни пайтда шаҳарнинг 5 — 10 йил бурунги қиёфаси бугунги манзара билан солиштирилса, катта фарқ борлигини кўрамиз. Хусусан, бир пайтлар аэропорт оддий бекат даражасида эди. Бу ерда бажарилган реконструкция, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган, гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди. Бугун бу атрофга йўли тушган кишини кенг ва равон йўллар, қулай ўриндиқли бекатлар, гуллар, ям-яшил майсазорлар, гўзал фаввoралар ҳайратга солиши, шубҳасиз.

## 18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни

Айни пайтда шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланмоқда. Жами 667 та объектда, 63 та кўп қаватли уй, 211 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 87 та ижтимоий, бир қатор маъмурий соҳа объекти ҳамда тураржой биноларида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Беруний, Ибн Сино, Спитамен, Тошкент кўчаларида ҳам бунёдкорлик юмушлари давом эттирилмоқда.

...Регистон майдонига қараб кўз қувнайди. Бибихоним, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳларини айтмайсизми? Мустабид тузум даврида нураб, нурсизланиб қолган бу меъморий ёдгорликларимиз истиқлол туфайли Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмалари асосида обод манзилларга айлантирилди. Шу боис бундай гўшалар хорижлик меҳмонларнинг ҳавасини келтириб, ҳайратини оширмоқда.

Шунингдек, 8 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига Сиёб деҳқон бозори ва унга ёндош ҳудудларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шулар қатори, Мирзо Улуғбек расадхонаси атрофида янги музей биноси, кенг майдон ва сўлим хиёбон барпо этилди, буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилиб, бугунги кунда бу маскан тарихимизнинг яна бир ёрқин кўзгусига айланди.

Бу каби бунёдкорликлар қадимий ва афсонавий диёрга ташриф буюраётган сайёҳларга ўзгача илҳом, завқу шавқ бахш этмоқда. Жумладан, улардан бири, франциялик Рейнат Даниел шундай деди:

— Самарқанднинг кўча ва хиёбонлари, сайилгоҳларини катта қизиқиш билан кузатаяпмиз. Барча қулайликларга эга бозорлар, савдо марказлари эътиборимизни тортди. Кўркам ҳамда замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли ва замонавий сервис хизмати, ресторани қаҳвахоналар, музей ва галереялар ҳамда бошқа дам олиш масканлари бизга ниҳоятда манзур бўлди.

Германиялик тарихчи Карл Херман ҳам ўз таассуротларини биз билан ўртоқлашди.

> — Мамлакатингиздаги саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда, — дейди у. — Айниқса, Самарқанд шаҳридан олган таассуротларимни таърифлашга ожизман. Бу ерда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Самарқанд нони, миллий таомлари, меваларининг таъми оғзимда қолди...

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари Ватанимиз равнақига, янада гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизни мамлакатимизнинг барча масканлари каби Самарқанд шаҳрини ҳам янада обод этиш, уни асраб-авайлашдек эзгу мақсадларга ундамоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

***Кеча пойтахтимизда "Art.Week.Style.UZ — 2011" санъат ҳафталиги доирасидаги "Theatre.UZ/2011" иккинчи халқаро театр фестивали бошланди. Мазкур тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Республика Ёшлар театри, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Унда юртимиз театрлари билан бир қаторда Буюк Британия, Германия, Исроил, Украина, Озарбайжон ва Тожикистон мамлакатларининг ижодий жамоалари қатнашаяпти.

Фестивалнинг тантанали очилиши Ўзбекистон Ёшлар театри саҳнасида бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, санъат, маданият намояндалари, ижодий жамоалар, ёшлар ҳамда театр мухлислари иштирок этди. Тадбирда қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда миллий ўзликни англаш, бебаҳо миллий қадриятларимизни янада қадрлаш ва шу орқали ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини юксалтириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишларини ривожлантириш, жойлардаги маданият масканлари, хусусан, театрлар биносини жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароит ҳамда имкониятлар билан таъминлаш ва энг муҳими, соҳа ходимларининг меҳнатини қадрлаш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани бунинг ёрқин далилидир. Қувонарлиси, бугунги кунга келиб, нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда ҳам муҳташам санъат кошоналари бунёд этилиб, мавжудлари тубдан қайта таъмирланди. Ва ушбу маънавият масканлари санъат мухлислари билан ҳамиша гавжум: томошабинлар яратилаётган янгидан-янги саҳна асарларини интиқлик ва қизиқиш билан қабул қилмоқдалар.

## «Art.Week.Style.UZ — 2011»

Санъат соҳасидаги бу каби ижобий натижаларга эришишда мамлакатимиз театрларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар малакасини ошириш, миллий санъатимиз ютуқларини жаҳон миқёсида намоён этиш, шунингдек, театрлар жамоасининг янги ижодий ташаббус ҳамда изланишларига кенг йўл очиш борасидаги хайрли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан кино ва театр соҳасини янада равнақ топтириш, иқтидорли ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам ана шундай эзгу юмушлар сирасидандир.

Мана, икки йилдирки, "Фонд форум" ҳамда бошқа бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Theatre.UZ/2011" фестивали юртимиз миқёсида жаҳон санъати ютуқларини кенг тарғиб қилишга, ёш ижодкорларнинг хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашуви ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишига кўмаклашмоқда.

Жорий йилги "Theatre.UZ/2011" халқаро фестивалида халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти, бебаҳо маънавий меросимиз ҳамда замондошларимиз ҳаётини акс эттирувчи ёрқин саҳна асарлари, мамлакатимиз ва хориждаги санъат усталари ҳамкорлигида яратилган янги спектакллар намойиш қилинади. Яъни мазкур санъат анжуманида Алишер Навоий, Уильям Шекспир, Ханс-Кристиан Андерсен, Николай Гоголь, Александр Островский сингари етук ижодкорларнинг асарлари ва бугунги таниқли драматургларнинг пьесалари асосида яратилган "Лайли ва Мажнун", "Майсаранинг иши", "Рустам ва Суҳроб", "Она", "Медея", "Бальзаминовнинг уйланиши" сингари спектакллар намойиши кутилмоқда. Ранг-баранг йўналишдаги саҳна асарлари ўзбек, рус, озарбайжон ва иврит тилларида ижро этилади.

— Санъат ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган илк фестиваль туфайли юртимиз театрлари жамоаси ва хорижлик санъаткорлар ҳамкорлигида кўпгина янги асарлар саҳналаштирилди, — дейди Ўзбекистон Ёшлар театри бадиий раҳбари Наби Абдураҳмонов. — Германия, Украина, Буюк Британия каби мамлакатларнинг етакчи театр труппалари билан биргаликда саҳналаштирилган "Эгизаклар", "Қисса йўқдур бундан маҳзунроқ...", "Ёлғиз юлдуз" номли спектакллар бу йилги санъат анжуманининг асосий репертуаридан жой олди. Умуман, фестивалда намойиш этиладиган ҳар бир спектакль чуқур фалсафий мазмун-моҳияти, ўзига хос талқини, ижро маҳорати ва таъсирчанлиги жиҳатидан эътироф этишга арзигуликдир.

Фестиваль доирасида санъатшунослар форуми, ижодий лойиҳалар тақдимоти, шунингдек, тажрибали мутахассисларнинг ёшлар учун маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

17. «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 сентябрдаги 222-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272 (2011 йил 10 октябрдан кучга киради).**

18. «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 223-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

19. «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 224-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

20. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 225-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

21. «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 226-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1689-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

22. «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 227-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

23. «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 228-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-1 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

24. «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 229-мҳ -сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-4 (2011 йил 13 октябрдан кучга киради).**

25. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 19 сентябрдаги 115-сонли буйруғи.*

**2011 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-6 (2011 йил 14 октябрдан кучга киради).**

26. «Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 5 сентябрдаги 199-сонли буйруғи.*

**2011 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2274 (2011 йил 14 октябрдан кучга киради).**

27. «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 6 октябрдаги 233-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054-1 (2011 йил 16 октябрдан кучга киради).**

28. «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 6 октябрдаги 234-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1741-1 (2011 йил 16 октябрдан кучга киради).**

29. «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 6 октябрдаги 235-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-1 (2011 йил 16 октябрдан кучга киради).**

30. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 сентябрдаги 26/2-сонли қарори.*

**2011 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-3 (2011 йил 16 октябрдан кучга киради).**

31. «Уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 20 сентябрдаги 59-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2275 (2011 йил 16 октябрдан кучга киради).**

32. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 9 сентябрдаги 57, 60-сон қарори.*

**2011 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2276 (2011 йил 17 октябрдан кучга киради).**

## ҚВПда замонавий қурилма

***Хоразм вилоятида энергиянинг муқобил туридан самарали фойдаланиш борасида янги ташаббус бошланди.***

Гап шундаки, "Хоразм электр тармоқлари" акциядорлик жамияти ҳомийлигида Қўшкўпир туманидаги "Зарбдор", "Уйғур" ҳамда Шовот туманидаги "Беруний" ва "Ўзбекистон" қишлоқ врачлик пунктларига қуёш иссиқлигини электр энергиясига айлантириб берувчи қурилмалар ўрнатилди. Шунингдек, мазкур қурилма ёрдамида шифо масканларида иссиқ сув таъминоти ҳам яхшиланди.

### Изланиш

Яқин кунларда вилоятдаги яна олтита ҚВПда ана шундай қуёш батареялари ўрнатилиши режалаштирилган. Ушбу хайрли мақсадлар учун 450 миллион сўм сарфланмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

XALQ BANKI
Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки

маъмурияти банкнинг юридик хизмати бўлинмаларига олий юридик маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳуқуқшуносларни
**ишга таклиф этади.**

Барча қўшимча маълумотлар банкнинг қуйида кўрсатилган манзилда тақдим этилади:
**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки, Тошкент шаҳри, 100096, Қатортол кўчаси, 46-уй.**
Тел.: **(+998 71) 150-12-97, (+998 71) 273-69-15.**
1408R/65

• Реклама ва эълонлар •

«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд ижрочиларининг Хўжаобод тумани бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг 2011 йил 24 мартдаги 2-833/1-47-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Хўжаобод шаҳри, Нодира кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер участкаси 5164,3 кв.м., жами қурилиш майдони 1286,09 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 841,76 кв.м. бўлган нон ва печенье ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотларининг айрим қисми, яъни қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси (А-литер, 597,76 кв.м.) ва (А1-литер, 373,32 кв.м.), ойнали ром (54,72 кв.м.) қўшимча қурилган, ҳожатхона (В-литер, 18 кв.м.), темир дарвоза 1 дона 12 м², асфальт майдон, 155,76 кв.м., ўрама девор хом ғишт, 15,7 п.м. қўшимча қурилган, ўрама девор бетон блок (Ж-литер, 56 п.м.), ўрама девор пишиқ ғишт (Г-литер, 30,5 п.м.), ўрама девор хом ғишт (Д-литер, 61 п.м.), ўрама бетон девор 37 п.м. бўлган бино-иншоотлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 47 761 947** (қирқ етти миллион етти юз олтмиш бир минг тўққиз юз қирқ етти ) **сўм**.

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин.

Аукцион савдоси Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй манзилида 2011 йил 21 ноябрь куни соат 11.00 бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
***Мўлжал — Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават.***
**Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.**
1407R/1201
*Лицензия RR-0026.*



ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**
**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**
1012R/227

Ҳурматли абонент!

Тошкент шаҳар телефон тармоғи такомиллаштирилиши муносабати билан **2011 йил октябрь ойидан** шаҳар телефон станцияларида халқаро ва шаҳарлараро рақамларга чиқиш учун **«8» рақамидан кейинги узлуксиз товуш сигнали ўчирилиши бўйича ишлар олиб борилади**.



*Маълумот учун телефонлар:* ***064, 09.***
1402R/1210

«Potolok-stroy-servis» ХК
**Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари**
**600 х 600 мм, 610 х 610 мм.**
Ассортимент — 22 турда.
**Тел.: 325-37-77, 370-90-95.**
36R/1238

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси Корпоратив бошқарув маркази бош мутахассиси Зулхумор Авлихановага падари бузруквори **Кўчқор ота ШААКРАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 754,4 ▲ +7,7




МОТОР МОЙИ М14 В2 1448,1 ▲ +29,7




БЕНЗИН АИ-80 2148,3 ▼ -192,3




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2937,0 ▲ +187,0

## O‘ZSANOATQURILISHBANK

***Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти унинг қон томири ҳисобланган банкларнинг молиявий имкониятлари билан ҳам ўлчанади. Зеро, банклар давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, халқ турмуш даражаси, фаровонлигини оширишга хизмат қилиб келган. Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидаНоқ юртимизда Президентимиз раҳнамолигида банк ва молия тизимини жаҳон андозалари даражасида такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда.***



# ЮРТ РАВНАҚИ ВА ЮКСАЛИШ

## Ана шу эзгу мақсад «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг бош мезонига айланган.

Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз тижорат банклари дунё молия банк тизими тамойилларига ҳамоҳанг равишда ривожланиб, жаҳонда ҳам ўзининг юксак мавқеига эга бўлиб бораётир. Буни республикамизнинг етакчи молия муассасаларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк ” мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, ҳали ишга солинмаган имкониятлар, вазифалар чуқур таҳлилдан ўтказилди. Қарийб тўрт минг нафардан иборат шижоатли ва тажрибали жамоанинг ҳар бир ходими ўз ишига астойдил ёндашгани эришилган натижаларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, банкнинг жами капитали йил бошидагига нисбатан 14 фоизга ошиб, 289,3 миллиард сўмга етди. Шунингдек, банкнинг Низом жамғармаси ҳам ана шу юксак кўрсаткичларга яраша бўлди.

### Дунё эътирофига сазовор

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ҳали-ҳануз орқага тортаётганлиги барчамизга кундек равшан. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашуви тўхтамаяпти. Кўплаб йирик банк-молия муассасалари танг аҳволда қолмоқда. Қатор мамлакатлардаги бюджет тақчиллиги оқибатида ижтимоий мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар қисқартирилмоқда.

Эътиборлиси, дунё молия бозоридаги бундай мураккабликларга қарамасдан юртимизнинг йирик универсал банки — “Ўзсаноатқурилишбанк” ўз барқарор фаолиятида собит турибди. Унинг самарали фаолияти ҳар йили жаҳоннинг энг йирик халқаро рейтинг агентликлари — “Fitch Ratings” ҳамда “Standart & Poor`s” томонидан истиқболли, ишончли ва барқарор дея эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Маълумки, жаҳон молия бозорида аксарият йирик молия-саноат компаниялари халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳосини олишга интилади. Табиийки, бу осон иш эмас. Масалан, қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган ва 10 минг нафар таҳлилчи ходимларни ўзида жамлаган машҳур “Standart & Poor`s” агентлиги томонидан халқаро рейтинг бериш жараёни эмитент таҳлилчиларнинг изчил хулосалари асосида амалга оширилади. Таҳлилчилар баҳолаш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор омилларга, хусусан, хатарларни бошқариш механизмига, корпоратив бошқарув тизимига, активларнинг сифат кўрсаткичига, сармоянинг етарлилигига, банкнинг бозордаги мавқеига ва кредит портфелининг сифатига алоҳида эътибор қаратишади. Республика очиқ акциядорлик тижорат банки “Ўзсаноатқурилишбанк” сингари ана шундай кўрсаткичларга тўлиқ жавоб берган молия муассасасигина юксак баҳога сазовор бўлиши мумкин.

Албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиши банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг изчиллиги, мижозлар сонининг кўпайиб бориши, бой тажрибага, шунингдек, миллий иқтисодиётда мустаҳкам мавқега эгалигининг ёрқин намойишидир. Табиийки, қўлга киритилаётган ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бунинг бир неча омиллари ва асослари бор. Шулардан энг муҳими, бу давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига бўлган юксак эътиборидир. Қолаверса, “Ўзсаноатқурилишбанк” капиталлашув даражасини оширишни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олганидир. Чунки капиталлашув даражасининг юқорилиги унинг активлари ҳажмини ошириш, кредитлаш имкониятларини кенгайтириш каби чора-тадбирларнинг молиявий асосини ташкил қилади.

### Банк сармояси — тараққиёт омили

Юртимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Айни чоғда қишлоқларимизни жадал ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес соҳасини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик корхоналар, микрофирмалар, якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар бу борада катта аҳамият касб этаётир.

Шубҳасиз, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишда хизмат кўрсатиш ҳамда кичик бизнес энг қулай ва мақбул воситадир. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг аксарият қисми айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини янада оширмоқда. Шунинг учун Инқирозга қарши чоралар ҳамда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурларида ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш каби қатор вазифалар кўзда тутилган.

***● Мавжуд технологияларни модернизациялаш, замонавий корхоналарни барпо этишда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Банк томонидан амалга оширилаётган ишлар — кўрсатилаётган хизмат турлари, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган маблағлар буни исботлаб турибди.***

***● Шу йилнинг 9 ойи давомида мазкур молия муассасаси мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори корхоналарига 1550,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратгани нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида беқиёс улуш бўлди.***

***● Айни пайтда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 1 миллион нафардан зиёд мижозга 50 дан ортиқ банк хизматлари кўрсатилмоқда.***

Эндиликда бу ҳаётий долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи бундай устувор вазифалар “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Банк жорий йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 230 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. Бунинг натижасида беш мингга яқин иш ўринлари яратилди. Шуни ҳам айтиш керакки, кичик бизнес субъектларига жорий йилда 21,8 миллиард сўм миқдорида микрокредит маблағлари берилди ва режа прогнози 101 фоизга бажарилди. Йўналтирилган микрокредитлар ҳисобига 500 та янги иш ўрни вужудга келди. Ушбу даврда хорижий банклар кредит линияларининг 7,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ўзлаштирилиб, 10 та инвестициявий лойиҳа молиялаштирилди. Бундан ташқари, ҳар бир банк филиалида тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида намунавий “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Мижозлар бу ерда малакали мутахассислар томонидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, тегишли ёрдамдан баҳраманд бўлишлари мумкин.



Мамлакатимизда иқтисодиётимиз ривожи ва эл-юрт равнақи йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларга молиявий, ҳуқуқий кўмак бериш учун барча шарт-шароит яратилаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишлар самарадорлигини ошириш учун катта туртки бўлди. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” шу йилнинг 9 ойи давомида тадбиркор аёлларга жами 13,6 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди. Бу кўрсаткич кўзланган мақсаднинг 103 фоизга ўсганлигини ва давлатимиз томонидан қабул қилинган фармон ҳамда қарорларнинг амалиётга жорий этилишида банкнинг салмоқли ҳиссаси мавжудлигини англатади.

Мамлакатимизда банк тизимига берилган ва берилаётган имтиёзлар банкларнинг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантирмоқда. Шунингдек, кичик бизнес, тадбиркорлик тузилмаларининг ишлаб чиқариш субъектларини кредитлашни кенгайтириш, сервис соҳасининг равнақига ҳисса қўшиш, шунингдек, банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида ўзаро фойдали шерикчилик алоқаларини шакллантириш ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни жонлантириш ва тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб этишга ҳам хизмат қилмоқда.

Дунё давлатлари иқтисодий тажрибасидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти тараққий этгани сари саноат тармоқлари ривожи билан бир қаторда, сервис соҳаси равнақига ҳам эҳтиёж туғила боради. “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам буни инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда муҳим тармоқлардан бирига айланаётган сервис йўналишини равнақ топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, шу йилнинг тўққиз ойи давомида банк томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга 855,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Тўғри, биз қилинган ишлар ҳақида гапирганда, кўпинча уларни рақам ва фоиз ҳисобида ифодалаймиз. Ўзингиз хулоса қилинг: агар мамлакатимиздаги битта тижорат банки 9 ойда кичик бизнес ривожи учун қарийб 230 миллиард сўм миқдорида кредит ажратган бўлса, бу халқимиз фаровонлиги, юрт тараққиёти, Ватан равнақи учун ажойиб имконият-ку. Қолаверса, минглаб кишилар иш билан банд бўлиб, қанчадан-қанча оилаларни бахтли қилган бўламиз. Зотан, бир қарашда оддий кўринган рақам ва фоизлар негизида мана шундай муҳим ҳаётий масалалар ётибди. Ҳар қандай рақам ортида инсон, унинг тақдири, юртимиз аҳолисининг ҳаёти ва мамлакатимиз эртаси билан боғлиқ жиҳатлар бор.

### Ўзини оқлаган тажриба

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир”, дея таъкидлаган эдилар. Айни чоғда давлатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий банк тизими хусусида сўз юритар экан, тижорат банклари корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришда фаол қатнашаётгани, булар ундан манфаатдор экани, кредит ташкилотларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлаётганини таъкидлаб ўтган эдилар.

Аслида ҳам шундай. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу борадаги фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади. Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда банк балансига қабул қилинган 14 та собиқ банкрот корхона негизида ташкил этилган янги муассасаларда ишлаб чиқариш яна тўла йўлга қўйилди. Шу мақсадда банкрот корхоналарни қайта тиклаш учун 51,8 миллиард сўм инвестиция киритилди. Мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Дастлабки даромадларга ҳам эга бўлинди. Масалан, банкнинг иқтисодий ночор корхоналарни тиклашга доир йирик лойиҳаларидан бири — Самарқанд вилоятидаги собиқ банкрот корхона “Uz Bottlers Group” МЧЖ қўшма корхонаси базасида амалга оширилди. Қайта ташкил этилган “Samarkand Aqua Line” масъулияти чекланган жамиятида йилига 1,27 млн. дона газланган ва газланмаган ичимлик суви ва 1,2 минг тонна консерва маҳсулотлари ҳамда табиий шарбатлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш ва модернизация қилиш, айланма маблағлар билан таъминлаш учун ҳозирги кунга қадар банкнинг 907,0 млрд. сўм инвестицияси, шунингдек, экологик тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш учун 90,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Корхона яқинда ишга тушганига қарамай, бу ерда 80 га яқин янги иш ўрни ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни талабларига биноан, банк корхонанинг иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар бўйича қарзларини тўлаб берди. Шу тариқа бир вақтлар қарздорлик ботқоғига ботган, бутунлай ночор аҳволда қолган корхона конвейерларидан сифатли маҳсулот чиқа бошлади.

Табиийки, ҳар бир тижорат банки учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон иш эмас. Негаки, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик, қолаверса, иш ҳақидаги қарзларни тўлаш кўпчиликни ўйлантириб қўйиши мумкин. Устига-устак, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ҳам барчага яхши аён. Бунинг учун банк етарли даражада капиталга эга бўлиши лозим. “Ўзсаноатқурилишбанк” — мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор, йирик инвестициявий марказларидан бири. Мазкур банк киритаётган инвестициялар банкнинг ички манбаларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

— Очиғи, ўша пайтда корхонанинг қайта оёққа туришига ишонмаган эдим, — дейди биз билан суҳбатда банкрот корхона негизида қайта ташкил этилган “Samarkand Aqua Line” МЧЖ раҳбари Ҳамза Ҳамдамов. — Эскирган дастгоҳлар, хароба аҳволдаги бинолар гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек туюларди. Корхонанинг қайта оёққа туришига бўлган умид йўқ эди ҳисоби.

Ҳақиқатан ҳам, излаганга имкон топиларкан. Банк жамоасининг ғайрат-шижоати, улар томонидан сарф қилинган катта миқдордаги сармоя, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қувватлаши ҳисобига корхоналарга янгича ҳаёт бахш этилмоқда. Бу мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг оддий бир ифодасидир.

### Мижозларнинг ишончли ҳамкори

Ташаббус кўрсатиш, янгиликка интилиш, яратиш, изланиш, янги хизмат турларини ташкил этиш, энг муҳими, мижозга банк остонасидаёқ меҳр-эътибор кўрсатиш “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг аҳоли ўртасида эъзозу обрў топишига сабаб бўлмоқда. Шундан бўлса керак, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида банкнинг 43 та филиали, 92 та минибанки, 165 та жамғарма кассаси, 86 та махсус кассаси, 69 та турли тўловларни қабул қилувчи ва 103 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси фаолият кўрсатиб келаяпти. Мижозлар сони эса 1 миллиондан ошиб кетди.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, янгилаш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган фаолияти унинг салоҳиятини янада оширмоқда. Бундан ташқари, банк тизимида мижозларга янги банк хизматларини тақдим этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини жорий этишни кенгайтириш, кредит портфелини ошириш, валюта сиёсатини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш каби кенг кўламдаги ўзгаришлар банк нуфузини янада оширишга ва аҳоли ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— “Ўзсаноатқурилишбанк” дунёнинг энг довруқли рейтинг агентликларининг муносиб баҳосига сазовор бўлганлигини эшитган ҳар бир юртдошимиз кўнглидан “Албатта, шундай бўлиши ҳам керак-да”, деган ўй ўтиши табиий, — дейди қашқадарёлик тадбиркор Тўймурод Султонов. — Зеро, бу халқаро эътироф барчамиз кундалик ҳаётимизда гувоҳ бўлиб турганимиз — банкнинг мижозлар учун турли-туман хизматларни тез, сифатли, ишончли кўрсатаётганлиги самарасидир. Чиндан ҳам, “Ўзсаноатқурилишбанк” шундай нуфузли мавқега муносиб. Қолаверса, ушбу банк қўшимча иш ўринларини яратиш орқали кечагина иш қидириб юрган кишиларга янги имконият эшикларини очмоқда. Бераётган кредитлари эса нафақат даромад олиш манбаи, балки кўплаб оилалар, юзлаб хонадонларнинг қувончига ҳам айланаётир.

— Ўн икки йилдан буён “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозиман, — дейди самарқандлик тадбиркор Алишер Юсупов. — Ортиқча маблағимни фақат банкнинг вилоят филиалига қўяман. Чунки банк ишончли, хизмати беминнат, ваъдаси бутун. Омонатим фоизи ёки ўзини хоҳлаган пайтимда олишим мумкин. Кўриб турганингиздек, банк туфайли бирим икки бўлиб, ҳам даромад олаяпман, ҳам оилам барака топаяпти.

Дарҳақиқат, эришилган бу ютуқлар замирида ташаббускор ва аҳил жамоа аъзоларининг самарали меҳнати мужассам. Улар асосий эътиборни банкнинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини янада оширишга қаратмоқдалар. Зеро, молия тизимида рақобат ўсиб бораётган ҳозирги шароитда банк ўзининг ривожланиш стратегиясига қатъий риоя қилиши талаб этилади. Шу боис банк жамоаси ривожланишнинг янада сифатли босқичига чиқиш, замонавий, рақобатбардош, йирик универсал банк мавқеини сақлаб қолиш баробарида, мижозларга замонавий банк технологияларига таянган ҳолда сифатли, тезкор хизматлар кўрсатишдек асосий стратегик мақсад йўлида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, ижобий натижалар берган бошқа молиявий усуллар банк фаолиятига татбиқ этилаяпти.

***● Ушбу молия муассасасининг нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасидаги саъй-ҳаракатлари яхши самаралар бермоқда. Ҳозир 700 минг нафардан зиёд киши “Ўзсаноатқурилишбанк” пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони қарийб 5000 донага етди.***

***● Мамлакатимизда тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси нақадар тўғри йўл эканлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолияти мисолида ҳам ўз тасдиғини топди. Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарга 51,8 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Натижада бир пайтлар ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар қайта оёққа туриб, эндиликда ўз маҳсулотларини, ҳатто, экспортга ҳам йўналтирмоқда.***

Мухтасар айтганда, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг барча мижозлари — жисмоний шахслардан тортиб, йирик компаниялargача ҳар доим биринчи даражали банк хизмати кўрсатилишига ишонч ҳосил қилсалар, сира адашмайдилар. Зеро, мамлакатимизда энг узоқ тарихга эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллар синовидан дадил ва собит қадам билан муваффақиятли ўтаётган молия муассасасидир.

**Ф. САНАЕВ.**





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +0,4




ШИФЕР (1 лист) 16773 ▼ -10




ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲+18,4


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.



ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5